

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАБОЕВ ЖАСУР ЭШБЕКОВИЧ**

**МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 373.6

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Пардабаев Жасур Эшбекович**

Мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини  
ривожлантириш технологиялари ..... 3

**Пардабаев Жасур Эшбекович**

Технологии развития профессиональной подготовки учащихся во  
внешкольном образовании ..... 21

**Pardabaev Jasur Eshbekovich**

Technologies for the development of vocational training of students in out-of-  
school education ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНВЕРСИТЕТИ**

**ПАРДАБОЕВ ЖАСУР ЭШБЕКОВИЧ**

**МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ  
ТАЙЁРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1PhD/Ped1499 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўйсинов Одил Алмуротович**  
педагогика фанлари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Ризамат Давронович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдураимов Шерали Сайдиқаримович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; e-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н, профессор

**К.Т. Олимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида инновацион таълим муҳитини реал педагогик тизимлар интеграцияси асосида ташкил этишга давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. АҚШ, Англия, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатларда таълимга инновацияларни кенг жорий этиш орқали юксак касбий тайёргарликка эга рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими шакллантирилган. ЮНЕСКО нинг Берлин декларацияси ва “Таълим-2030” халқаро ҳаракат дастурида таъкидланишича, мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда инновацияларни қўллашнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларга робототехника, моделлаштириш, конструкциялаштириш, дастурлаштириш, 3D-лойиҳалаштириш ва виртуал муҳандисликни ўргатишнинг дидактик имкониятларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон таълими амалиётида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда моделлаштириш, конструкциялаш усулларини, инновацион таълим шакллари ва воситаларини, креатив муҳандислик ғояларини қўллаш қобилиятини шакллантириш ва натижаларини баҳолаб бориш борасида самарали илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги ва билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотлар (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар) кенг жорий этилмоқда. Бу эса мактабдан ташқари таълимда STEAM ёндашув асосида касбий тайёргарликни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш, компетенцияларга асосланган инновацион таълим муҳитини шакллантириш, интерфаол ўқитиш методлари ва технологияларини амалиётга татбиқ этиш орқали ўқувчиларда креативлик қобилиятини шакллантириш тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда инновацион иқтисодиёт шароитида мактабдан ташқари таълимнинг замонавий методлари ва йўналишларини кенг жорий этиш орқали ёшларни тарбиялаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. «Баркамол авлод» болалар марказларини мактабдан ташқари ягона таълим марказига бирлаштириш, давр талаби ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда долзарб касбларнинг бирламчи асосларини ўргатиш учун ҳудудий «Баркамол авлод» болалар марказларида тўғараклар, шу жумладан робототехника, дастурлаш бўйича йўналишлар сонини кўпайтириш<sup>1</sup>га устувор вазифа сифатида қаралган. Мазкур вазифани амалга ошириш, мактабдан ташқари таълим самардорлигини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4312785>

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6108-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даржада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб таълимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари бўйича Р.Ҳ.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмаилова, Р.Қ.Чориев, Д.О.Химматалиев, С.Ю.Ашурова, О.А.Қўйсинаев, Ҳ.Ш.Қодиров, А.А.Алимов, илмий изланишлар олиб борганлар.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолияти жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга тайёрлаш масалалари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов, Қ.Т.Олимов, У.Ю.Юлдашев, Ж.А.Хамидов, О.Ҳ.Тўрақуловнинг ишларида акс этган.

Педагогларни иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришга тайёрлаш масалалари Ж.Йўлдошев, Ф.Юзликаев, Н.Азизходжаева, Ў.Толипов, Ш.Шарипов, О.Ҳайдарова, Н.Эркабоеваларнинг ишларида тадқиқ этилиб, уларда олий таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммолари ёритилган.

МДХ давлатларида бўлажак ўқитувчиларни иқтидорли ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришга тайёрлашнинг концептуал асослари В.Сластенин, Л.Редько, И.Подласый, В.Андреев, ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш орқали ўқувчиларни ижтимоийлаштириш муаммолари А.Мудрик, Ж.Брюно, А.Кулемзина, Е.Щебланова томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларнинг олимлари В. Blum, R. Mohan, H. Miyakawa, G. Kulanthavel каби олимларнинг тадқиқотларида таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, Дж.Рензулли, С.Р. Berger, W. Grabe, J. Harmer ишларида ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантириш муаммолари тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг «Ўрта

махсус, касб-ҳунар таълимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини электрон ўқув-методик материаллар орқали ривожлантириш» (ЁА1-ОТ-О-16695 ЁА1-4, 2014-2015) ҳамда “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (ПЗ-2014-0903160552, 2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлаштириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабдан ташқари таълимда STEAM-таълим ёндашувнинг моҳияти ва тизимлаштирувчи тавсифини очиб бериш, ўқувчилар касбий тайёргарлик кўникмаларини STEAM таълим асосида ривожлантиришда халқаро тажрибаларини таҳлилини амалга ошириш;

ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришда конструктив белгиларни аниқлаш асосида ўқувчилар танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш босқичларини ишлаб чиқиш;

робототехника, меҳатроника ва муҳандислик йўналишларидаги тўғаракларни ташкил этиш методикасини ҳамда ахборот методик таъминоти такомиллаштириш;

мактабдан ташқари таълимда махсус компетенциялар (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни ривожланганлигини аниқлашга қаратилган мезонларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабдан ташқари таълимда ўқувчилар касбий тайёргарлигини “STEAM-таълим” технологияси асосида ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик, методик адабиётлар, илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатув, суҳбат, тест, ўз-ўзини баҳолаш сўрови, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

мактабдан ташқари таълимда “Socratch tools” (Сукрот мантиғи), “SAMR Model” (алмаштириш, катталаштириш) ҳамда “С.Р.Е.А.Т.Е.” интерфаол ўқитиш технологиялари асосида ўқувчиларда ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик махсус компетенцияларини шакллантиришнинг интенсиф босқичлари ҳамда методикаси профессионал - йўналтирилганлик тамойили асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг касбий мотивациясини тизимли равишда ўрганишда

уларнинг қизиқишлари ва таълимий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик йўналишларидаги робототехника, мехатроника тўғарақларни ташкил этишнинг методик таъминоти “STEM - STEAM – STREAM” босқичларини ҳамда интеллектуал, коммуникатив ва имитацион моделлаштириш фаолияти йўналишларни мувофиқлаштириш натижасида мазмунан такомиллаштирилган;

ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришда систем-мазмуний, профессионал йўналтирилган, инновацион фаолиятли, мезоний-баҳолаш ҳамда “STEAM - таълим” босқичларидан иборат мактабдан ташқари таълимнинг технологик, методик ва дидактик таъминлаш компонентлари аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг ўз иқтидори ва қизиқишлари асосида мактабдан ташқари таълим муассасаларида махсус компетенциялари (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик) даражасини аниқлаш усуллари, мезон ва даражалари амалий фаолиятни танқидий баҳолаш, мактабдан ташқари ўқув жараёнида прогностик-таҳлилий ва ташкилий-услубий функцияларни чуқурлаштириш воситасида оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш орқали уларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш имкониятлари аниқланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

“STEAM-таълим” ёндашуви асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга оид ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуа ва технологиялар ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар, “Касбий педагогика” номли методик қўлланма, “Касбий педагогика” электрон дарслик (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси DGU 20150364) ишлаб чиқилган;

мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини “STEAM-таълим” ёндашув асосида ривожлантириш бўйича электрон таълим ресурслари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлилида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биз томондан таклиф этилган мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделидан таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълимни STEAM-ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни

такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлашда, мактабдан ташқари таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этишда, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда ҳамда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимдан кейинги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий таълим шароитида ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда STEAM таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

“Socratch tools” (Сукрот мантиғи), “SAMR Model” (алмаштириш, катталаштириш) ҳамда “С.Р.Е.А.Т.Е.” интерфаол ўқитиш технологиялари асосида ўқувчиларда ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик махсус компетенцияларини шакллантиришга доир методик ишланмаларидан “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (ПЗ-2014-0903160552, 2015-2017) мавзусидаги илмий амалий лойиҳалариларни амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-652-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ишланмалар ўқувчиларини касбий тайёргарлигини ривожлантиришда умумтаълим фанларига оид тушунчалар ҳамда техник билим ва кўникмаларнинг ривожлантиришга хизмат қилган;

робототехника, мехатроника ва муҳандислик йўналишларидаги тўғаракларни ташкил этиш методикаси ва ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, креатив конструкторлик кўникмаларини шакллантиришнинг ахборот методик таъминоти Баҳмал туман “Баркамол авлод” болалар мактаби, Бандихон туман “Баркамол авлод” болалар мактаби, Наманган шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида мактабдан ташқари таълим жараёнига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-652-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган таъминот ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг муаммоларни кенг қамровли тушуниш, ижодий фикрлаш, муҳандислик ёндашув, танқидий фикрлаш, дизайн асосларини тушуниш кўникмаларини баҳолашга қаратилган топшириқлар (тизимлаштирилган маълумотлар, лаборатория ишланмалари ва касбий характердаги интеллектуал топшириқлар) тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 4 февралдаги 89-03-652-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини даражасини баҳолаш имкони такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари

1 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-методик ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 5 таси Республикамизда ва 1 таси хорижда чоп этилган журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнининг ҳозирги ҳолати, ёшларни тарбиялаш ва касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари, ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда мактабдан ташқари, умумий ўрта ва профессионал таълимнинг узвийлиги масалалари ёритилган.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг онгли ва мустақил равишда касб-хунар танлашлари учун шарт-шароитлар яратиш, касбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, касб-хунарга ўрганишга жалб этиш ишлари самарадорлигини таъминлашнинг таъсирчан воситалари ва усуллари татбиқ этиш, ўқувчининг ўзини ўзи англаши ва ўз-ўзини ривожлантириши, турли тадбирларда тажриба орттириш масалаларининг аҳамияти ўрганилди ва очиқ берилди. Ўқувчиларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин топиши, истеъдод ва қобилиятини ривожлантириши, қизиқишлари асосида бирор касб-хунар сирларини эгаллашида мактабдан ташқари таълимнинг имкониятлари катта эканлиги асослаб берилди.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг ҳозирги ва истиқболдаги устувор вазифалари аниқланди. Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг

касбий тайёргарлигини ривожлантириш ўзининг мазмуни, моҳияти ва вазифаларига кўра, барча табиий, ижтимоий-иқтисодий ва техник билимларни умумлаштириб, мужассамлашган ҳолда амалиётга татбиқ этишни кўзда тутди. Ана шу нуқтаи назардан қаралганда мактабдан ташқари таълим назарияси ва амалиётининг бирлиги ўқувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг билимларини амалиётга татбиқ эта олишларига имкон яратувчи асосий омил ҳисобланади.

Мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда касбий компетенцияларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилди. Бу эса, ўз навбатида, мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш тизимини компетенциявий ёндашув асосида кўриб чиқиш ва бу тизимнинг самарадорлигини таъминловчи технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этди.

Мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини амалиётга татбиқ этиш борасидаги мавжуд тажрибалар таҳлили қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

- мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда STEAM-таълим технологияларини қўллашга тўғрақ раҳбарларининг етарли даражада тайёр эмаслиги;

- ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатишга имкон берувчи таълим технологияларининг етарли эмаслиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг йўқлиги.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда STEAM-таълим технологияларини татбиқ этишда қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа эканлиги аниқланди:

- 1) мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқув дастурини ўзлаштириш натижаси бўлган тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, “изланиш кўникмалари”, “касбий кўникмалар” тушунчасининг моҳиятини очиқ беришга ёрдам берувчи тушунчаларни ажратиш ва кўриб чиқиш ҳамда амалий кўникмаларнинг шаклланганлиги, ижодкорлик қобилиятларининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш;

- 2) ўқувчиларни касбий тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларининг аҳамиятини илмий асослаш;

- 3) “STEAM-таълим” ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш кўникма, малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқловчи тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда қуйидагиларнинг муҳим аҳамият касб этиши аниқланди:

- ўқувчиларни касбий тайёрлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий йўналишлари ва усулларини аниқлаш, жорий этишнинг назарий

асосларини ишлаб чиқиш;

- ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги замон жамиятида шахсдан мутлақо янги касбий сифатларни талаб қилувчи касблар пайдо бўлаётганлигини эътиборга олиб, ўқувчиларни касбий тайёрлаш тизимида белгиланган янги вазифаларни ҳал этиш;

- ўқувчиларда шахсий ва касбий сифатларни, касбий билим, мотивация ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириб бориш;

- мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг қобилият ва касбий мойилликларига қараб, STEAM-таълим технологияларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

Бунинг учун:

- фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар базаси ҳамда уни мунтазам равишда бойитиб бориш имкониятига эга бўлиш;

- мактабдан ташқари таълим жараёнида тўғарак раҳбарларининг касбий фаолиятига мос инновацион компетенциялар базасини шакллантириш;

- турли касб-хунарга тегишли техник воситалар (деталлар, қурилмалар, механизмлар, бирикмалар, машиналар ва бошқалар) билан муносабатда бўлиш ҳақидаги маълумотлар базасига эга бўлиш ва улардан (билим, кўникма ва малакадан амалий фаолиятда фойдаланиш) таълимий ахборот сифатида фойдалана олиш;

- техник объектлар ва технологик жараёнлар воситасида амалий кўникмаларни (ўлчов, ҳисоблаш, қайта ишлаш, монтаж қилиш бўйича) эгаллаш;

- кўпгина касблар эгалари учун зарур бўлган турли деталлар ва уларнинг қисмлари, узел, бирикмалар, техник қурилмалар, механизм ва машиналарга оид билимга эга бўлиш.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини самарали ривожлантиришда робототехника, мехатроника ҳамда муҳандислик тўғаракларини имкониятлари чексиз эканлиги аниқланди.

Умумий ўрта таълим ва профессионал таълим ўртасидаги узвийлик бевосита фанлараро алоқадорлик асосида мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг қизиқиши ва ҳошишига кўра, ташкил этилган тўғарак машғулотларида таъминланади. Илмий манбаларда касбий тайёргарлик жараёни “касбий шаклланиш” сифатида ҳам талқин этилади. Мазкур тушунчанинг моҳияти педагогик адабиётларда кўйидагича изоҳланади: касбий шаклланиш – шахс камолотининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, шахснинг фақат меҳнат ва касбий фаолиятини танлаш билан боғлиқ эҳтиёж ва қизиқишларини ифодалайди. Бизнингча, касбий тайёргарлик ўқувчининг онгли равишда касб танлаши ва танланган соҳа бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши жараёни ҳисобланади.

Мактабдан ташқари таълимга қуйидаги йўналишларда Давлат талаблари белгиланган: маданий-эстетик; илмий; техник; спорт; тажриба-натуралистик; сайёҳлик-ўлкашунослик.

Олиб борилган тадқиқотлар касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг инновацион йўналишларида қуйидаги ўқитиш технологиялари кенг қўлланилмоқда:

1) Таълимда геймификация (gamification). Ҳозирги вақтда мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий таълим технологияси сифатида ўйин технологияларидан фойдаланиш. Ўқувчи муҳандисликни ўрганишдаги тўсиқни енгиб ўтиш учун боғланиш воситаси сифатида геймификациядан фойдаланилади;

2) STEAM технологияси. Илмий ва муҳандис кадрларга бўлган долзарб эҳтиёжни, давлат ва технологик тараққиёт ҳамда инновацион иқтисодиётнинг ўсишига йўналтирилган юқори технологияларни ишлаб чиқади;

3) SMART таълим. Электрон таълим рақамли жамиятнинг тузилиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг марказий, таянч элементи ҳисобланади ва кўп мамлакатларда SMART таълим тушунчаси аллақачон стандарт ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда “STEAM-таълим”нинг қўлланиши бўйича тадқиқотчиларнинг фикри турлича жумладан:

“STEAM-таълим”– бу ўқитувчининг методик йўналиши бўлиб, физика, математика ва табиий фанлар цикларида ўқувчининг таълим фаолиятига жалб этилишини таъминлайди, амалда олинган билимлар асосида ўқувчининг муҳандислик ҳақидаги фикрини ривожлантиришдан иборат.

STEAM-ёндашув ўқувчиларга оламни тизимли равишда ўрганишга, теварак-атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро боғлиқларни англаб етишга, ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни “кашф этиш”га имкон беради.

STEAM-таълим технологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда, унинг асосида билиш ва ижодий изланишга қаратилган технологиядир.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияси ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, ўз ичига турли инновацион технологиялар ва методларни камраб олган STEAM-таълим технологиясидир, хулоса чиқаришга асос бўлди.

Диссертациянинг **“STEAM–таълим” ёндашув асосида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари**” деб номланган иккинчи бобида STEAM фанлари асосида ўқувчиларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш йўллари, мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини “STEAM-таълим” асосида ривожлантириш модели ишлаб чиқилди. Унда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг асосий компонентлари келтирилди, робототехника, мехатроника ва муҳандислик йўналишларидаги тўғарақларни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари ҳамда ўқув-методик таъминоти изоҳланди.


Ўқувчилар ижодий техник фикрлашини ривожлантириш йўлларида бири дарсларда техникавий конструкциялаш ва моделлаштириш муҳитини яратишдан иборат. Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик тўғарақларида техникавий конструкциялаш фаолиятини маълум даражада малакали конструкторлар, технологлар, малакали ишчилар, йиғувчилар ва созловчилар фаолияти билан таққослаш мумкин. Чунки, тўғарақларда ўқувчиларнинг турли буюмларни яратиш бўйича техникавий ижодкорлиги жараёни қуйидаги босқичлардан ташкил топади: техникавий фикрнинг туғилиши, мўлжалланган буюмга техникавий талабларнинг қўйилиши, конструкцияни эскизлар ҳолатида ишлаб чиқиш ва уни муҳокама қилиш, технологик жараёни ишлаб чиқиш, зарур материаллар ва асбобларни танлаш, буюм деталларини тайёрлаш, уларни узелларга йиғиш, узеллардан буюм тайёрлаш, буюмни ишда синаб кўриш ҳамда уни созлаш.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида STEAM-таълим асосида ўқувчиларда муайян компетенциялар (касбий, ахборот олиш, коммуникатив, амалий тайёргарлик компетентциялари)ни шакллантириш касбий тайёргарликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан саналди. Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш технологияси тузилмаси такомиллаштириш имкони туғилди.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида “Робототехника” тўғарақи мазмунига фақат техникавий-конструкциялаш, ижодий масалаларни ҳал қилиш эмас, балки уларни тажриба орқали, яъни деталларни йиғиш, дастурлаш ва техникавий объектни қуриш орқали амалга ошириш ишлари ҳам киритилади. Ўқувчиларнинг робототехника тўғарақларидаги конструкторлик-технологик фаолияти шартли равишда икки босқични ўз ичига олди: а) репродуктив босқич (бунда билиш фаолияти ва ижрочилик характердаги меҳнат функциялари унинг асоси ҳисобланди) б) продуктив ижодий босқич (бунда юксак ижтимоий аҳамиятга эга янги маҳсулотлар яратиш имкони яратилди).

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделида касбий сифатлар ва шахсий фазилатлар орасидаги боғланиш, касбий компетенцияларни шакллантиришга оид ёндашувлар, тамойиллар, ўқув техник таъминот ҳамда таълим мазмуни, уни амалга ошириш жараёни ифодаланди(1-расм)

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделининг мақсад, жараён, баҳолаш-нативажий компонентлари мазмуни қуйидагилардан иборат.



1-рasm. Мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели

Таълим мақсади: тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, фаоллик, мустақилликни ривожлантириш, дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш. Малака талабларига жавоб берадиган касбий билим, кўникма ва малакаларга эга шахсни шакллантириш.

Таълим мазмуни: малака талаблари, ўқув режалар ва дастурлар, электрон дарслик, ўқув қўлланма, меъёрий ҳужжатлар ва бошқалар.

Таълим бериш шакллари: якка тартибда, гуруҳли таркибда ва жамоавий.

Таълим бериш методлари: оғзаки, амалий, муаммоли, кўргазмали ва интерактив, инновацион методлар ва бошқалар.

Таълим бериш воситалари: кўргазмали воситалар, техник воситалар, дидактик воситалар, аниқ ва реал воситалар ва бошқалар.

Касбий тайёргарликни ривожлантириш технологиялари: замонавий ўқитиш SMART, STEM, C.R.E.A.T.E., ARIZ-TRIZ технологиялари ва методлари.

Тадқиқот ишида мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш модели тажриба-синов ишларида ўзини ҳаётийлигини кўрсатди. Компетенциялар тизими эса касбий тайёргарликнинг сифат даражаларини таъминлашга хизмат қилди. Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожланганлиги натижалари фаолиятли, рағбатлантирувчи, когнитив, махсус ижтимоий баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилинди.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш моделини жорий этишда ўқув фанлари инеграцияни таъминлаш, “STEAM таълим” дастурида ўқитиш методларидан “Socratch tools”, “SAMR Model” дан фойдаланиш, “Баркамол авлод” болалар мактаблари ўқувчиларида махсус компетенциялар (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг “C.R.E.A.T.E.” технологияси орқали техник ижодкорлигини ривожлантириш механизмлари тақдим этилди.

Ўқувчиларнинг лойиҳаларни бажариши муҳандисликни чуқур ўрганишга ва таҳлил қилишга, адабиётлар билан ишлаш, топилган материални дастур талаблари билан солиштириш, дастурнинг алоҳида мавзуларини ўрганиш бўйича конкрет вазифаларни ажратиб кўрсатиш, уларга мос равишда меҳнат объектларини танлаш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида касбий тайёргарликни такомиллашганлик натижалари репродуктив, продуктив, кератив баҳолаш мезонлари асосида таҳлил қилинди. Натижа сифатида касбий тайёргарликка эга бўлган шахснинг шаклланиши назарда тутилди.

Ахборотлашган жамият шароитида таълим муассасаларида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш, уларни технологик ижодий меҳнатга тайёрлаш, илмий-тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга, бутун умри мобайнида янги билимларни ўзлаштиришга ўргатиш талаб этилади. “STEAM-таълим” ёндашуви таълим траекторияларини индивидуаллаштириш, шахс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим олувчининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш имконини берди.

Диссертациянинг “**Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили**” номли учинчи бобда мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлили келтирилган.

Тадқиқот даврида мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда ташкил этилган тўғараклар фаолиятининг назарий ва амалий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Тажриба-синов иши уч босқичда (2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 йиллар мобайнида) амалга оширилди.

Анкета сўрови Сурхондарё вилояти Бандихон тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби, Наманган вилояти Поп тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби, Жиззах вилояти Баҳмал туманидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси, Зангиота тумани агросервис касб-хунар коллежи ва Шароф Рашидов номли политехника техникумида 2017-2020 ўқув йилларида тўғаракларга қабул қилинган ўқувчилар билан ўтказилди.

**1-жадвал**

Таълим муассасалари	Ўқувчилар сони	
	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Зангиота тумани агросервис касб-хунар коллежи	144	145
Шароф Рашидов политехника техникуми	135	132
Баҳмал туман “Баркамол авлод” болалар мактаби	67	63
Бандихон туман “Баркамол авлод” болалар мактаби	87	93
Поп тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби	94	89

Таълим муассасаларини танлаш қуйидаги омилларга асосланди. Ушбу танланган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантирувчи технологияларни татбиқ этиш ва қўллаш соҳасидаги инновацион дастурлар ҳамда ишланмаларнинг ишлаб чиқилганлиги, улардаги моддий-техник базанинг етарлилиги ҳамда педагогик шарт-шароитлар, ўқув жараёнининг техник таъминоти инобатга олинди.

Мактабдан ташқари таълим жараёни самарадорлигини ошириш учун STEAM-таълим технологияларини қўллаш ва уларни анъанавий педагогик технологиялар билан уйғунлаштириш муаммоси ҳал этилди.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш методикасининг самарадорлиги қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланди:

**1.Репродуктив** - таваккалчилик босқичи. Бу босқич ўқувчиларда касбий фаолият, касбга оид ахборотлар билан ишлаш, касбий мойилликни қарор топтириш, инновацион технологияларнинг моҳиятини англаш ва янги ғояларнинг туғилиши, шаклланиши билан тавсифланади.

**2.Продуктив** - ижодий-изланиш, тадқиқотчилик босқичи. ўқувчилардаги тадқиқотчилик, ижодий фаоллик, ностандарт тафаккур, билиш мустақиллиги, импровизация, янгилик яратиш кўникмаларининг шаклланиши билан белгиланади.

**3.Креативлик** – новаторлик, ижодкорлик босқичи. Яратилган янгиликни

амалда қўллаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, оммалаштириш ва уни кенг татбиқ этиш ҳамда истиқболга йўналтирилган стратегик режаларни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Анкета сўровлари натижаларини статистик қайта ишлаш натижасида биз ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигининг ривожланганлиги қуйидаги даражаларга ажратдик.

**1-даража.** Ўқувчилар берилган топшириқлар ва натижаларни таҳлил эта олмайди; ўрганилаётган ўқув материалларини қайта ишлашга қийналади; муаммони мустақил шакллантиришни ва муаммоли типдаги топшириқ ва масалаларни ечишни билмайди.

**2-даража.** Ўқувчилар фундаментал фанлар бўйича ўзлаштирилган билимлари асосида ўртача қийинчиликдаги технологик ва техник характердаги масала ҳамда топшириқларни ҳал эта олади. Улар топшириқ ва масалани таҳлил этиш ҳолатида бўлади. Агар у қандайдир қийинчиликга дуч келса, у ҳолда бу топшириқ эмас, балки унинг муайян жиҳати ҳақида ўзининг олдига савол қўя олади. Ўрта даражада қийинчиликларни ўқитувчи кўмагида бартараф этади, муаммони мустақил қўйиш ва ечишга қодир эмас. Ижодий характердаги топшириқларнинг оригинал ечимини топа олмайди.

**3-даража.** Ўқувчилар ижодий топшириқ ва масалаларни ечишда дуч келинадиган қийинчиликларни мустақил бартараф этади, умумий қоидаларни аниқ ҳолатда қўллашга, шаклланган фикрий кўникмаларни бир фаолиятдан бошқа фаолиятга қўчира олади. Муайян ўқув фанига нисбатан қизиқишини намойиш этади. Ижодий масалалар ва топшириқларни мустақил ҳал этади. Рўй берган ўзгаришлар ва қонуниятларни аниқлай олади.

**4-даража.** Ўқувчилар муаммони мустақил қўяди ва уни ҳал этишга ҳаракат қилади. Янги масалаларни ҳал этишга интилади. Турли фанлар бўйича ижодий масалаларни туза олади. Ўқишга нисбатан юқори даражали қизиқиш намойиш этади. Билимларини мустақил тўлдиради ва ўз-ўзини назорат қила олади.


2-жадвал.

### Тажриба-синов ўтказилган барча таълим муассасалари бўйича умумий натижалар

таълим муассасалари номлари	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида ўқувчилар сони	%	Тажриба охирида ўқувчилар сони	%	Тажриба бошида ўқувчилар сони	%	Тажриба охирида ўқувчилар сони	%
Барча таълим муассасалари бўйича умумий натижалар	Аъло	117	22,2	243	46,1	104	19,9	117	22,5
	Яхши	155	29,4	166	31,4	145	27,8	155	30,1
	Қониқарли	210	39,8	90	17,2	223	42,8	200	38,5
	Қониқарсиз	45	8,6	28	5,3	50	9,5	44	8,9
<b>Жами</b>		527	100	527	100	522	100	522	100

Ишончлиликни баҳолаш Стъудент усуллари асосида амалга оширилди ва

математик-статистик таҳлил қилинди. Олинган натижалар таҳлили мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини STEAM-таълим технологияси асосида ривожлантиришнинг самаралорлиги ҳақида гапириш имконини берди.



Тажриба-синов натижалари STEAM-таълим технологияси асосида ўқитишнинг самарадорлиги ошганлигини кўрсатди. Тажриба-синов гуруҳларида ўқув материални ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари таққосланганда тажриба гуруҳлари ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларини ишончлилиги коэффиценти 1,13 баробарга ортган.

## ХУЛОСАЛАР

Мактабдан ташқари таълимда ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадқиқотлар ва тажриба-синов натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчилар касбий тайёргарлигининг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш асосида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлиги, касбий тайёргарлигининг психологик-педагогик асослари ўрганилди ва тадқиқотчилик, маҳорат, қобилият кўникмалари, касбий тайёргарлик тушунчалари педагогиканинг замонавий концептуал тенденцияларига асосланиб, муаллифлик нуқтаи назаридан таърифланди.

2. Ўқувчиларида махсус компетенциялар (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган “Socratch tools”, “SAMR Model” каби интерфаол ўқитиш методлари “STEAM-таълим” жараёнида амалий татбиқ этилиб, ўқувчиларнинг муҳандислик касбларига бўлган қизиқиши ривожлантирилди.

3. Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқув-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишнинг муҳим ва асосий омилларидан бири - бу

ўқувчиларнинг техник ижодкорлик тўғараклари тизимини тўғри ташкил этиш эканлиги асосланди ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди.

4. Касбий тайёргарликни ривожлантиришда муаммоли ўқитиш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқувчилар билан индивидуал (якка тартибда) ишлаш, уларнинг билишга қизиқишини ошириш, ижодий техник фикрлашнинг методик усулларида фойдаланиш зарур эканлиги аниқланди.

5. Ўқувчиларни касбий тайёрлаш жараёнида уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, технологик дунёқарашини кенгайтириш, робототехникага оид техник қурилмалар, механизмлар, машиналар, тузилмалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, янги қурилмалар яратишга қизиқтириш, изланувчанлик фаолияти фаоллаштириш имкониятлари очиб берилди.

6. Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, танқидий фикрлаши, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенцияларини шакллантириш, робототехника ва муҳандислик йўналишларидаги тўғаракларни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг инновацион технологиялари, уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

7. Ўқувчиларда ижодкорлик, тадқиқотчиликга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган “Робототехника асослари” тўғараги машғулотида асосий эътибор роботларнинг техник қурилмаларини бошқариш ва дастурлаш ишларига қаратилди ҳамда намунавий схемалар бўйича монтаж ва робототехник қурилмаларни йиғиш ишлари бажарилди, турли ҳаракатланувчи моделлар лойиҳаланди, ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган кўрик-танловлар ўтказилди. Булар ўз навбатида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигига, уларда тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланишига асос яратди.

Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги **тавсиялар** ҳавола этилди:

- мактабдан ташқари таълим жараёнида касбий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш технологияларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқиш ва мактабдан ташқари таълим жараёнининг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш;

- ўқувчиларда махсус компетенциялар (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган “Socratch tools”, “SAMR Model” каби интерфаол ўқитиш технологияларини ўқув дастурлари ва ўқитиш методикалари мазмунига интегратив сингдириш;

- мактабдан ташқари таълим жараёнида STEAM-таълим технологиясидан фойдаланиб, ўқувчиларни ижодкорлик, ҳамкорлик, тадқиқотчилик ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг замонавий ташкилий-тузилмавий модели ва методик ғояларини амалиётга татбиқ этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
ИННОВАЦИЙ, УПРАВЛЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫМ  
ОБРАЗОВАНИЕМ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

**ПАРДАБАЕВ ДЖАСУР ЭШБЕКОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ  
УЧЕНИКОВ ВО ВНЕШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ**

**13.00.05-теория и методика профессионального образования**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована за номером B2020.1PhD/Ped1499 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен по адресам: в веб-странице Научного совета – [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz), а также информационно-образовательном портале «ZiyoNet» – [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Куйсинов Одил Алмуратович</b> доктор педагогических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Шодиев Ризамат Давронович</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Абдураимов Шерали Саидкаримович</b> доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Бухарский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; E-mail: [pedagogikinnovasiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovasiyalar@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Ш.Э.Курбанов**  
председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**С.Ю.Ашурова**  
секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., профессор

**К.Т.Олимов**  
председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Организация инновационной образовательной среды в глобальном масштабе на основе интеграции реальных педагогических систем рассматривается как ключевой фактор последовательного развития всех сфер жизни государства и общества. Благодаря широкому внедрению инноваций в образовании в таких странах, как США, Англия, Южная Корея, Япония и Россия, была сформирована система подготовки конкурентоспособных кадров с высокой профессиональной подготовкой. Как отмечается в Берлинской декларации ЮНЕСКО и международной программе действий «Образование-2030» все более возрастает важность инноваций в развитии профессиональной подготовки учеников в процессе внешкольного образования. Сегодня во внешкольном образовании первостепенное значение имеет исследование дидактических возможностей обучения учеников робототехнике, моделированию, конструированию, программированию, 3D-дизайну и виртуальной инженерии.

В мировой образовательной практике проводятся эффективные научные исследования по моделированию, конструированию методов, форм и инструментов инновационного образования, формированию способности применять креативные инженерные идеи и оценивать результаты в развитии профессиональной подготовки учеников. Широко внедряются международные исследования (PISA, TIMSS, PIRLS и др.) по оценке уровня профессиональной подготовки и знаний учеников. А это требует совершенствования технологий развития профессиональной подготовки на основе STEAM подхода во внешкольном образовании, формирования инновационной образовательной среды, основанной на компетенциях, формирования креативных способностей у учеников путем применения интерактивных методов и технологий обучения на практике.

В нашей стране проводится эффективная работа по воспитанию молодежи и обеспечению их занятости за счет широкого внедрения современных методов и направлений внешкольного образования в условиях инновационной экономики. Для объединения детских центров «Гармонично развитое поколение» в единый центр внешкольного образования, обучения начальным основам актуальных профессий с учетом требований времени и интересов учеников, увеличение количества кружков, в том числе направлений по робототехнике, программированию в региональных детских центрах «Гармонично развитое поколение» рассматривались в качестве приоритетной задачи. Развитие профессиональной подготовки учеников посредством реализации данной задачи, совершенствования педагогических механизмов обеспечения эффективности внешкольного образования является важной педагогической проблемой»<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года УП-5712 "Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года"

Данная исследовательская работа в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 6 ноября 2020 года № УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», от 29 апреля 2019 года № УП-5172 «Об утверждении концепции развития системы народного образования республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года №-187 «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования» и других законодательных актах по данному предмету.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования в области закономерностей и тенденций процесса становления и развития профессионального образования, проблем подготовки будущих учителей к профессиональной педагогической деятельности проводились Р.Х.Джураевым, Ш.Э.Курбановым, А.Р.Ходжабаевым, Н.А.Муслимовым, З.К.Исмаиловой, Р.К.Чориевым, Д.О.Химматалиевым, С.Ю.Ашуровой, О.А.Куйсиновым, Х.Ш.Кадыровым, А.А.Алимовым.

Вопросы подготовки будущих учителей к использованию информационно-коммуникационных технологий в процессе их профессиональной деятельности отражены в работах А.А.Абдукадырова, У.С.Бегимкулова, К.Т.Алимова, У.Ю.Юлдашева, С.А.Хамидова, О.Х.Туракулова.

